Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 6 АПРЕЛ, СЕШАНБА | № 14 (114) | Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

ГАРОВНИ ҚЎЛЛАШ ҚОНУН ВА ДАВР ТАҚОЗОСИ
ШАЙТОНИЙ ИШҚ ФОЖИАСИ... — 2-бет
ТОВЛАМАЧИ — ёки милиционернинг пора олиш усули — 3-бет
Bolalar haqi — ПУЛИМИЗНИ БЕРИНГ, РАИС!
ТЎЙДАН СЎНГГИ ҚОТИЛЛИК — 4-бет

Demokratiya sari

Сирожиддин МИРСАФОЕВ:

«ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ»

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқидан келиб чиқилиб, ташкил этилган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаларини ташкил этиш бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтган эди. Комиссия раҳбари, Олий Мажлис Раиси Э.Ҳалилов бошқарган мазкур йиғилишда ижроия ҳокимиятни ислоҳ қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов бошчилигидаги ишчи гуруҳининг ахбороти муҳокама қилинган эди.

Анжуманда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Сирожиддин МИРСАФОЕВ сўзга чиқиб, ижроия ҳокимиятни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирган эди. Уни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ҳурматли комиссия аъзолари!

Йўлбошчимиз юритаётган халқчил, адолатли сиёсат туфайли ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида демократик ислоҳотлар кенг қулоч ёймоқда. Уларни янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш орқали мамлакатда мукаммал демократик жараёнлар барқарорлигини таъминлашни мақсад қилганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз, юртбошимиз таъкидлаганидек, кучли давлатдан фуқаролик жамиятига ўтиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш маҳаллий тизимлари ваколатларини янада кенгайтириш, сиёсий, ижтимоий, нодавлат ташкилотларининг эркин фаолиятига шароит яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилгандир.

Қайд этиш жоизки, жамиятимизни демократлаштириш борасида эришган ютуқларимиз, унинг бош илҳомчиси, ташаббускори давлат эканлигидадир. У ислоҳотларни ижтимоий манфаатларни пухта ўйлаб табақалаштириш, босқичма-босқич, уйғун рўёбга чиқариш мақсадида шакллантираётган демократик институтлар ва фуқаролик жамияти таркибий бўғинлари салоҳиятини оширишга ҳар жиҳатдан кўмак бермоқда.

Маълумки, жамиятда ҳуқуқий демократик давлатчилик тамойилларини қарор топтиришда давлат бошқарув тизимини, жумладан, ижроия ҳокимиятни ислоҳ қилиш, улар фаолиятини туб мақсад ва вазифалар руҳига мувофиқлаштириб бориш талаб этилади. Шунга эътиборан, мустақиллик йилларида, айниқса, Олий Мажлиснинг VI сессиясидан кейинги давр ичида ижроия ҳокимияти идоралари тизимида эътиборга молик, салмоқли ишлар амалга оширилди.

Авваламбор, Конституциявий асосда ижроия ҳокимиятнинг Президент раҳнамолигидаги республика ва маҳаллий ҳокимликлардан иборат уйғун ҳамда изчил структураси вужудга келтирилди. Бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш талабларидан келиб чиқиб, давлат бошқаруви ваколатларини тўла амалга оширишга молик бўлган вазирлик ва давлат қўмиталари аниқлаб олинди.

Қатор вазирлик ва давлат қўмиталари, давлат мулкчилиги асосидаги бошқарув идораларидан ўзгача мулк шаклидаги муассасаларга айлантирилди. Масалан, Президентимизнинг 1997 йил 23 июл «Алоқа тизимлари соҳасида бошқарувни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра Алоқа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигига, 1998 йил 11 декабр Фармони билан Нефть-газ саноати миллий корпорацияси-Миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Бу стратегик сиёсат муттасил давом эттириб келинмоқда. 1991 йилгача республикада мавжуд бўлган 54 та вазирлик ва давлат қўмитаси 30 тагача қисқартирилди.

Ислоҳотлар мобайнида Республикамиз Вазирлар Маҳкамаси ваколати ва ҳуқуқий мақомига дахлдор туб янгиликлар рўй берди. Хусусан, 1997 йил 20 май «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарор билан давлат бошқарувига иқтисодий бозор усулларини изчил жорий этиш, аппаратнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш, бошқаришнинг маъмурий-тармоқ тартибидан функционал йўналишига ўтиш кабилар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси ўз кундалик оператив бошқарув функциясини қуйи бошқарув бўғинларига бериб, ўзига иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг устувор лойиҳа ва йўналишларини белгилаш, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгартишларни амалга ошириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатчиликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча бўғинлари фаолиятини уйғунлаштириш каби муҳим вазифаларини қолдирди.

Айни пайтда маҳаллий ижроия ҳокимиятлар мустақиллигини кучайтириш, ваколатлари кўламини аниқлаш ва кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Булар «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлардир. Мазкур ҳужжатлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, марказий бошқарув органлари ваколатининг бир қисмини маҳаллий ижроия ҳокимиятига бериш орқали улар фаолияти самарадорлигини оширишда тегишли ҳуқуқий замин яратди.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари ҳамда аҳолининг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳамияти каттадир. Маълумингизким, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунлар қабул қилинди. Хусусан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун, Олий Мажлиснинг олдинги сессияда биринчи ўқишда маъқулланган ва навбатдаги сессия кун тартибига қўйилаётган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан расмий давлат рўйхатидан ўтган 266 та халқаро ва республика миқёсидаги жамоат бирлашмалари, вилоят адлия бошқармалари томонидан эса 2000 га яқин рўйхатдан ўтган маҳаллий мақомдаги жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Улар ўз Низом вазифаларидан келиб чиқиб, турли соҳаларда давлат ташкилотларига кўмаклашиб келмоқда.

Масалан, «Нуроний» жамғармаси фахрийларимизни ижтимоий қўллаб-қувватласа, «Маҳалла» жамғармаси маҳаллада таълим-тарбия, ободончиликни амалга оширмоқда. «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Экосан» жамғармалари эса бола ва оналар соғлиғини таъминлашда, атроф-муҳитни экологик муҳофаза қилишда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон билан 20 дан ортиқ давлатларнинг дўстлик жамиятлари ташкил этилган бўлиб, улар ҳамкорликни ривожлантириш ва маданий-маърифий ришталарни ташкил этиш, мустаҳкамлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Шунингдек, спорт соҳасига оид 40 га яқин федерациялар ташкил қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон спортининг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтиришда фаол қатнашмоқда.

Жамиятимиз ижтимоий ҳаётида маънавий қадриятларни қарор топтириш ва юксалтиришда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Амир Темур», «Имом ал-Бухорий», «Олтин мерос» халқаро жамғармаларининг фаолияти алоҳида ўрин тутмоқда.

Уларнинг ўрни ва ваколати, ҳуқуқи кенгайтирилмоқда, зеро, «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» деган ғоянинг моҳияти ҳам шундадир.

Республикада инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлардан бохабарсиз. Янада залворли ишлар аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдек долзарб масалаларга қаратилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий онги ҳамда тафаккурини ривожлантириш орқали қонунлар ижросини яхшилаш, уларнинг давлат ижроия идоралари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларини демократик талаблар даражасига кўтариш мумкин. Хабарингиз бор, Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги Фармони билан Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази, Адлия вазирлиги ҳузурида республика юристлар малакасини ошириш Маркази тузилган эди. Улар бугунги кунда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда адвокатлар ва нотариал идораларнинг алоҳида ўрни бор. 1996 йил декабрда «Нотариат тўғрисида» ва «Адвокатура тўғрисида» Қонунлар қабул қилинган эди. 1997 йил декабрда қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунни ҳам биласиз. Улар ҳаётимизни демократлаштиришни янги поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда. Илгари бўлмаган хусусий нотариус, хусусий адвокатлик фаолиятига ҳуқуқий замин яратилди. Бугун республикамизда 3 мингга яқин адвокатлик лицензиясини олган ҳуқуқшуносларнинг фаолият кўрсатмоқда. Давлат нотариати тизимида 530 та нотариус ишлаяпти. Айни пайтда 80 га яқин шахс Адлия вазирлигидан илк бор хусусий нотариуслик лицензиясини олишди ва аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Муҳтарам йиғилиш қатнашчилари!

Гарчанд бугунги тадбиримизда мамлакат ижроия ҳокимияти фаолиятини демократлаштириш ҳақида ва бу борада қуйи бўғин ижроия органлари, жумладан ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларига алоҳида эътибор берилаётган экан, баъзи таклиф-мулоҳазалар билдирмоқчиман.

Биринчидан, маҳаллалар ва ўзини-ўзи бошқаришнинг бошқа тузилмалари дунё давлатчилиги тажрибасида андозаси бўлмаган, жамиятимиз учун мутлақо янги институтдир. Очиқ айтганда, умумий концепция мавжуд-ку, аммо амалий тажриба, андоза, қолаверса, жойларда унинг ишлаши учун ҳуқуқий база, қўлланма ва мезон етарли эмас. Хусусан, жамиятда барқарорлик ва тарғиботни таъминлашдаги фаолият механизмлари ишлаб чиқилган эмас.

Шу боисдан ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳамкорлигида ушбу масалани чуқур ўрганиб, бу борада маҳаллий ижроия ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш тизилмаларининг вазифаси, ваколати, ўрни ва таъсирчан мавқеи, масъулияти хусусида аниқ ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва амалга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, марказий ҳокимият органларига келаётган хатлар, мурожаатлар оқими, уларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жойида, юқорининг аралашувисиз, оддийгина ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар уларнинг аксариятини ташкил этмоқда. Улар асосан ижтимоий-иқтисодий, хўжалик юритиш, маиший, тадбиркорлик, ер, томорқа, ижара, газ, сув билан таъминланиш, иш жойи, иш ҳақи, турли тўловлар, солиқ, хўжасизлик, оилавий жанжаллар, ўзаро келишмовчилик каби масалаларда акс этмоқда.

Шу сабабли бундай муаммоларни жойида, маҳалла ёхуд ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларида, маҳаллий ҳокимиятлар доирасида ҳал этилиши, ечим топилиши механизмини ишлаб чиқиш ва амалда бўлишини таъминлаш ҳақиқий демократик бошқарувга хизмат қилган бўлар эди, деб ўйлайман.

Учинчидан, кўриб турибсизки, маҳаллий ижроия ҳокимиятининг барча тузилмалари фаолияти деярли қонунийлик, ҳуқуқийлик билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, бу борада самарадорликни таъминлаш учун уларни ҳуқуқий, қўлланмали адабиётлар билан қуроллантириб туриш, масъул ва мутасаддиларни маълум муддатли ўқув тадбирларига жалб этиш, янги қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни улар иштирокида ишлаб чиқишни, ҳуқуқий билимларни уларга ва кенг жамоатчиликка сингдириб боришни йўлга қўйиш, махсус ўқув юртларида бўлғуси ходимларни ўқитиш каби тадбирлар хусусида ўйлаб кўрмоқ керак.

Бу тузилмалар таркибида ҳуқуқшунос, ҳуқуқ маслаҳатчиси лавозимлари жорий этилса, айниқса, бошқарув мутасаддиларининг қонун ва ҳуқуқдан воқиф шахслар орасидан танланишига эътибор берилса, яхши бўлар эди. Бунинг учун аввалбошдан жойлардаги фахрий ҳуқуқшуносларнинг, истеъфодаги ҳуқуқ муҳофазаси органлари ходимлари, адвокатлар кабиларни жалб этишни йўлга қўймоқ мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Яна бир ҳолат мавжуд: кейинги пайтларда алоҳида эътибор талаб этаётган муаммо бу - диний муассасалар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ кемтиклар мавжудлигидир. Улар фаолиятини мунтазам тартибли тутиб туриш, кузатиб бориш, диннинг ниқобга эмас, имон мактабига айланишини таъминлашимиз керак. Сабабини барчамиз биламиз. Бу ишларни республика, вилоят, туман марказидан туриб, адлия идоралари ва ҳокимиятлар тўлақонли бажара олади деб бўлмайди, чунки диний ташкилотлар - масжид, мадраса, диний ўқув муассасалари маҳаллаларда, барча қишлоқ ва овулларда жойлашган. Тан олиш керак, жойларда маҳалла ёки ўзини-ўзи бошқариш тузилмалари масжидларни, диний ташкилотларни эмас, аксинча, улар бунисининг «бошқарувида». Бугун биз маҳаллий ижроия ҳокимиятнинг энг қуйи бўғинларигача, бу ишларда ташаббусни қўлга олишга тўла ваколат ва имконият яратиб беришни ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз адлия идоралари жамиятимизнинг барча бўғинларида ижроия ҳокимиятни янада демократлаштириш, бу борадаги ислоҳотларни амалга оширишда куч, имконият ва ҳуқуқий механизмларни йўналтиради, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Tahririyatga xat

ОСМОНГА УЧГАН «ДАМАС»

Ўша куни ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Тун бўйи ёмғир ёғиб, шаҳарга туташ йўллар, кўприкларни сел олиб кетганди.

Етдим деганда йиқилма, тўлдим деганда тўкилма экан. Вилоят марказида қуриб фойдаланишга топширилган «Оймомо боғи»нинг очилиш маросими 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ўтказиладиган бўлиб, унга Бойсундаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам таклиф этилди. Эрта тонгда ҳомийлар топиб берган 2 та автобусга минган 100 нафар болакайлар қанчалик қувонч билан жўнаган бўлишса, шунчалик хафа бўлиб қайтиб келишди: катта ўзбек трактидаги Чилонзор қишлоғи яқинида кўприкни сел олиб кетганлиги учун транспорт ҳаракати бутунлай тўхтаб қолган эди. Хуллас, болалар вилоят марказида ўтказилган тантанага боролмадилар.

Кечқурун вилоят телевидениеси кўрсатувини томоша қилаётган болалар, уларга вилоят «Камолот» жамғармаси томонидан тантанали суратда топширилган «Дамас» автомашинаси, «Камолот» жамғармасидан БОЙСУН БОЛАЛАР УЙИГА» деб катта ҳарфлар билан ёзилган машина калитини ҳоким қўлидан олган «етимларни» кўриб, ҳангуманг бўлиб қолишди.

Болалар аввалига хурсанд бўлишиб, «Бизга «Дамас» беришди!» дея бири тарбиячидан, яна бири ҳайдовчидан суюнчи олишга шошилди. Бошқалари эса ҳокимдан машина калитини олиб, боши узра силкитаётган тенгдошларига қараб: «Ахир, булар бизнинг уйдан эмас-ку! Алдашяпти» дея кулган бўлишди.

Афсуски, байрам муносабати билан уларга «топширилган» «Дамас» қандай шов-шув билан бутун вилоятга намойиш этилган бўлса, шундай жимгина ҳавога учгандек йўқ бўлди-қолди...

«Сурхон тонги» газетасининг 1998 йил 3 июн сонида босилган «Офтоб чиқди оламга» сарлавҳали мақолада шундай сатрлар бор: «Бойсун туман меҳрибонлик уйининг «Ширу шакар» болалар фольклор-этнографик дастасига «Дамас» русумдаги кичик автобус байрам иштирокчилари ҳузурида тақдим этилди»... Болаларга қўшиб матбуотни ҳам алдашди. «Ёр экансан билмадим, дилдор экансан, билмадим, кашмир тилинг бирлан мени, алдар экансан, билмадим» деганларидек, ваъдалар ёлғонлигича қолиб кетди.

Аслида ҳам шундай. Байрамда айтилган хушхабардан сўнг Меҳрибонлик уйининг хўжалик мудири Собир Ибрагимов, ҳайдовчи Бахтиёр Равшанов, «Ширу шакар» дастаси бадиий раҳбари Хайрулла Насриддиновлар «Дамас»ни олиб келиш учун вилоят «Камолот» жамғармасига келишди. Лекин жамғарма раҳбарини учратолмадилар. Раҳбар ўринбосари уларни вилоят матлубот жамиятига боришлари, ўша ердан машинани олиб кетишларини айтиб, вакилларни яна алдади. Матлубот жамиятида эса: «Машина бор, фақат пулини ўтказиб келинглар» дейишди.

Вакиллар қуруқ қайтишгандан сўнг яна Термездан қўнғироқ бўлди. Агар вилоят «Камолот» жамғармасининг лотереясидан бир миллион сўмга Бойсун аҳолисига сотиб беришса, машина берилишини айтишди. «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти Бойсун бўлими ходимлари таҳдашном эшитсалар ҳам июл, август, сентябр ойларида аҳолига тарқатилган нафақа пулларидан чегириб қолиш йўли билан 840 минг сўмлик лотерея чипталарини сотишди. Шундан 260 минг сўми 22 июлда 78-тўлов топшириқномаси билан вилоят «Камолот» жамғармасига, қолган 490 минг сўми Бойсун пахта банки орқали жамғарманинг жорий ҳисобига нақд пул билан топширилиб, тегишли ҳужжат олинди.

Вилоят «Камолот» жамғармаси бошлиғига икки оғиз сўзимиз бор: «Авваламбор, пули тўланмаган туҳфани бутун вилоятга ошкора қилишнинг ҳожати бормиди? Болаларни, элни, қолаверса, ҳокимни ҳам алдаш кимга, нимага керак, ахир? Бу болалар шундоқ ҳам вафо, меҳр-оқибатга зорку! Сохта обрў орттириш учун мурғак гўдакларни алдаш шартмиди?»

Собир ЁДИКОВ,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани

ТАҲРИРИЯТДАН:

Президентимиз ёшлар тарбиясини тараққиётимиз пойдевори деб таъкидлаётган бир пайтда, бундай кўзбўямачиликнинг оқибати нима бўлади? Бу болаларнинг дил кўзгусига дарз туширмайдими? Бундай ҳолларда хатони очиқ тан олиш афзал эмасми ахир?

Таҳририят вилоят ҳокимлиги, вилоят «Камолот» жамғармаси раҳбариятидан тегишли жавоблар кутади.

Мухбиримизнинг ушбу мақоласига Меҳрибонлик уйи раҳбарияти ва тарбиячиларидан 10 киши имзолаган хат, болалар - Назокат Қоражаева, Фарида Муродова, Камол Орзуқулов, Исроил Кўчкинов, Бобомурод Сафаров, Малоҳат Жўраева ва бошқаларнинг мактублари, шунингдек, «Сурхондарёвилоятпочта» АЖ Бойсун филиали бошлиғи Норқулов, Бойсун туман «Камолот» жамғармаси ташкилий бўлим мудири М.Ашурова имзолари билан тасдиқланган далолатномалар ҳам илова этилган.

Мактубларда таъкидланганидек, вилоят ҳокими «Оймомобоғ»нинг очилиш тантанасида «Дамас» калитини кимларга топшираётганини чиндан ҳам билмагандир. Эҳтимол, у болаларга аталган автомашинанинг ҳамон топилмаётганидан ҳам бехабар чиқар. Акс ҳолда бу машмашалар бугунгача чўзилмаган бўлармиди...

«Камолот» жамғармаси эса ёш авлод тарбияси учун бевосита масъул ташкилот.

Мирзачўл туман ИИБ нозирлари (чапдан) Темирбек Рсалиев, Баҳриддин Ўроловларнинг ишлари билан яқиндан танишдик. Бу икки ҳамкасб участкаларида ҳар жиҳатдан яхши тартиб-интизом ўрнатилган. Уларнинг маҳалла оқсоқоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан жойларда олиб бораётган тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Sarsongarchilik

БИР ЙИЛДАН ОШГАН «ЭРТАГА КЕЛ!»

Ҳурматли «Инсон ва қонун!» Мен касалхонада ҳамшира бўлиб ишлар эдим. Фарзандлар туғилиши муносабати билан таътилга чиқдим. Кетма-кет иккита фарзанд кўрдим. Таътил муддати тугагач, 1997 йил 1 апрелда ишга чиқдим. Аммо касалхона бош врачи С.Усмонов «штат қисқарди, ўрин йўқ» деб мени ишга қабул қилмади. Аввалига «эртага келинг» деяверди. Сўнг мен туман бош врачи А.Зайниддиновга мурожаат қилдим. У ҳам «отангга бор, онангга» қабилида иш тутди. Юравериб 1997 йил август-сентябрида учинчи фарзандим чала туғилиб, қазо қилди. Ўзим оғир касалга чалиндим, эрим иккаламиз ҳам жарроҳлик операциясини бошдан кечирдик. Шундан сўнг 1998 йил январдан бошлаб касаллик варақасини ёпгач, «Усмонов-Зайниддинов» даргоҳларида саргардонлигим бошланди. Охири касаба уюшмаси аралашуви билан 1999 йил февралида, 1 йил 1 ой ўтгач, ўз ишимга тикландим. Аммо 1997 йилдаги 5 ойдан ортиқ, 1998 йилдан бошлаб шу кунгача мени сарсон қилишиб, мажбуран бекорчи қилиб қўйишган кунлар учун тўлов ҳақидаги талабларим ора йўлда қолиб кетди. Судга борсам, судья Қ.Ўлжаев «иш беришибди-ку, тинч ишлайвермайсанми» деб чиқариб юборди. Очиғини айтсам, болаларим билан моддий жиҳатдан қийналиб кетдик, қарзга ҳам ботдик. Наҳотки, қонунда менинг ҳуқуқимни, манфаатимни ҳимоя қиладиган талаб бўлмаса?

Мавлуда МАМАТҚОСИМОВА,
Самарқанд вилояти,
Қўшработ тумани
Жўш қишлоғи

ТАҲРИРИЯТДАН: Мавлудахон! Хатингизда саволларингизга жавоб бор экан. Сал бўлса-да, теранроқ, ҳуқуқий фикрлайдиганлар учун ортиқча нарса керак эмас. Сизнинг меҳнат ҳуқуқингиз, иш билан сўзсиз таъминланишингиз каби масалаларда айбдорлар бор, уларга чора кўрилмасдан қолиши мумкин эмас. Бу адолатдан бўлмайди. Мажбуран иш берилмасдан, бекор юрган вақтингиз учун ҳақ тўланиши шарт. Буни маъмурият ҳам, суд ҳам билиши, бузилган ҳуқуқни тиклаши керак.

Jo'yali fikr

ГАРОВНИ ҚЎЛЛАШ ҚОНУН ВА ДАВР ТАҚОЗОСИ

Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят процессуал қонунчилигида шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва доираси алоҳида акс эттирилган. Ундаги нормалар илгаригилардан кескин фарқ қилади.

Хусусан, олдинги қонуннинг 72-моддасида уч тур: ҳеч қаёққа кетмаслик ҳақида тилхат; шахсий ёки жамоат ташкилотининг кафиллиги; қамоққа олиш каби эҳтиёт чоралари кўзда тутилган эди.

Янги кодекснинг 237-моддасида эса улар: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви кабиларда акс этган. Кўриниб турибдики, қонун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга жуда катта ваколат берган, яъни шахснинг тақдирини ҳал қилишда унинг қамоқда ушлаш ёки очиқда бўлишини ишнинг моҳиятига қараб қонуний таъминлашни процессуал мустаҳкамлаган.

Улар орасида мутлоқ янгилик бу - гаровдир.

Илгари бундай эҳтиёт чораси қўлланилмаган, ҳозир ҳам амалда қўлланилиши бармоқ билан санарли даражададир. Ваҳоланки, бундай чора барча ривожланган давлатларда жуда кенг қўлланилади, у бизнинг қонундан бежиз ўрин олмади, ахир!

Уни қўллаш тажрибасини кенгайтириш назаримизда қатор ижобий натижалар беради. Хусусан, қамоқ жойларида сақланаётган шахслар сонини камайиши уларни ушлаб туришга кетаётган харажатларни сезиларли камайтиради;

айбланувчи, судланувчини мулкий жиҳатдан манфаатига таъсири бўлиб, у гаровга қўйилган мулк - маблағини сақлаб қолиш учун зиммасига олган мажбуриятни бузмайди;

терговчи, суд қамоқда бўлмаган шахс иштирокида суд-тергов ҳаракатларини ўтказиши анча осонлашади. Маълумки, қамоқда сақланганларни олиб келиш учун қўплаб конвой, автотранспорт жалб этилади, тергов, суд жараёнлари муддати чўзилиб кетади, бекорга харажат сарф бўлади;

мажбурият бузилган ҳолатларда, гаров давлат ҳисобига ўтказилиб, фойда келтиради.

Демак, тергов, суд органлари бу масалага жиддий эътибор беришлари керак. Чунки иқтисодий жиҳатдан давлат манфаати асосий мезондир. **Қонунда қамоқ билан боғлиқ жазо тайинланиши билан бирга, қамоқдан ташқари бошқа жазолар тайинланиши, мумкин бўлган ҳолларда гаров чорасини қўллаш мумкин.** Қонунчиликда эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувидан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиши; унинг янги жиноий фаолиятининг олдини олиши; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслиги, ҳукмнинг ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши кўзда тутилган.

Жиноят процессуал кодексининг 238-моддасидаги «Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд... қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади» дейилган нормага амал қилиб иш юритиш лозим. Демак, ҳар бир ҳолатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд шахсни қамоқда ушлаш ёки гаровга беришни ҳал қилганда, энг аввало қонун нормалари ва иш моҳиятига эътибор беришлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Гаров тушунчаси Фуқаролик кодексида ҳам мавжуд. Хусусан, 264-моддада «Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади», дейилган. Бу қонун нормаларида ҳам гаровга қўювчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда қўйилган гаров кредитор (гаровга олувчи) томонидан ўз манфаатини таъминлашга ҳақли, деб кўрсатилган. Жиноят процессуал қонуни бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд давлат номидан иш юритади. Шу туфайли гаровга қўювчи ўз мажбуриятини давлат олдида бажармагани учун гаровга қўйилган мулк давлат фойдасига ўтказилади.

Шахсни қамоқда сақлаш, уни тергов ҳибсхонасига олиб бориш, терговга олиб келиш, хавфсизлигини таъминлаш, моддий таъминоти, кўплаб ходимлар жалб этилиши, махсус иншоотлар қуриш ва сақлаш давлат хазинасидан катта сарф-харажатларни талаб қилади. Шу боис вазият тақозо этса, шахсни гаров орқали очиқда қўйиб, бу ҳаракатларни олиб бориш ҳар томондан мақсадга мувофиқдир.

Гаров Ўз.Р ЖПКсининг 249-моддасида кўрсатилган. Унда гаровни қандай расмийлаштириш, кимлар қатнашиши аниқ кўрсатилган бўлиб, гаров мажбуриятини бузганда, гаров предмети тақдирини ҳал этиш йўллари белгиланган. Гаров тариқасида пул маблағи, қимматбаҳо буюм ва кўчмас мулк бўлиши мумкин. Қонун ваколатли шахслар гаровни қўллашда масъулиятни ошириш мақсадида гаров суммасининг минимал миқдорини белгилади, яъни унинг суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан кам бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга айбловнинг оғирлиги, айбланувчи, судланувчи ва гаровга қўювчининг шахси, мулкий аҳволи ҳам эътиборга олиниши керак.

Бу қонун талабини асосан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга кўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқдир, бу ҳолда етказилган зарарни қоплаш муҳимдир.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш тергов, суд амалиётида жуда яхши самара беради, уни тўғри, қонунга асосан қўллаш фақат қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Фахри РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази директори

Qonun va ijro

ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ КЕРАК?

Бозор иқтисодиёти шароитлари барчадан янгича фикрлаш, ислоҳотларга чуқур тафаккур назари билан қарашни талаб қилмоқда. Аҳоли ва саноат эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни етиштириш эскича талаблардан воз кечиб, янги шартномавий муносабатлар жорий этилаётир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ***«Шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак».***

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга асосланиб, Навоий вилоят адлия бошқармаси шартномавий муносабатларни қаттиқ назоратга олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги Фармони ҳам дастуриламал бўлмоқда.

Бошқармада ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлими субъектларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ҳам яхши йўлга қўйган.

Ходимларимиз ўтган 1998 йил давомида 174 корхона ва хўжаликларда шартнома интизомига риоя этишнинг аҳволини ўрганиб чиқишди. 6201 та шартнома мазмуни таҳлил қилинди. Уларнинг 85 таси қонунга тўла ёки қисман хилоф равишда тузилганлиги аниқланди. Ушбу шартномаларнинг умумий баҳоси 550 миллион сўмни ташкил этди. Умумий баҳоси 40 миллион сўмлик 59 та нотўғри тузилган шартномалар қонунга мослаштирилиб, қайтадан туздирилди. Бундан ташқари 98 та шартнома бўйича зарарни ундириш тўғрисида 46,9 миллион сўмга талабномалар тайёрлаб бердик, хўжалик судларига эса 37 миллион сўмлик зарарни ундириш учун 54 та даъво аризалари қўзғатишда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси ҳисоб рақамидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-қарорига асосан 0,5 фоизлик тартибда 61.935 минг сўм пул пиллакор хўжаликлар фойдасига ундириб берилди.

Бошқарма амалга оширган назорат чораларидан сўнг 23 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 5 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Масалан, «Кармана нон» очиқ турдаги акциядорлик жамияти омбор мудири Р.Исмоилов, «Медтехника» жамоа корхонасининг бош ҳисобчиси С.Усмоновлар шартномавий муносабатларда йўл қўйган камчиликлари ва лоқайдликлари учун эгаллаб турган вазифаларидан бўшатилдилар. Навоий автобус-таксомотор саройи очиқ турдаги акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси С.Шомуродов, Қилизтепа туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси масъул ходими А.Ҳаққулов ва яна бир қатор мансабдор шахслар бошқарма тақдимномаларига асосан «хайфсан» олишди.

1999 йилда ҳам бошқармамиз фаолиятининг аниқ режалари тузилиб, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарида шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш, барча хўжаликларига амалий ёрдам бериш йўли билан шартномалар интизомини яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш чора-тадбирлари юзасидан зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилди. Худди шундай долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган қонун ва қарорлар ижросига вилоятнинг айрим туманларида хўжалик раҳбарларининг панжа орасидан қараб келаётганлари ачинарлидир.

Жорий йилнинг январ ойида олиб борилган текширишлар Навбаҳор туманининг С.Жўраев номли «Учтут», «Жамбул», «Янгиқўрғон», «Гигант» жамоа хўжаликлари ва «Навбаҳор» қишлоқ хўжалиги корхонасида шартномалар тузиш борасида тегишли қонун нормаларига амал қилинмаётганлигини кўрсатди. Масалан, «Навбаҳор» қишлоқ хўжалиги корхонаси ўзига тегишли бинони ижарага бериш учун «Қизилқум-Тепалик» савдо уйи билан 1999 йил учун ўтган йилнинг 15 августида ижара шартномаси тузган. Шартномада тарафларнинг юридик манзили ва реквизитлари кўрсатилмаган. Шартномада «ижарада турувчи» бинони топшириш далолатномаси бўйича «ижарага берувчи»га қайтариши назарда тутилмаган. Бундан ташқари шартнома мажбуриятларини бутунлай ёки қисман бажармаган тақдирда томонларнинг жавобгар бўлиши масалалари белгиланмаган. Ҳатто бошқарма томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарида шартномалар тузилиши борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатилиб, ҳуқуқий тавсиялар берилишига қарамасдан, қонуний талаблар тўла бажарилмаслик ҳоллари учраб турибди. Шу боис ходимларимиз томонидан тегишли баённомалар тузилиб, Хатирчи туман судининг қарори билан А.Ёрлақабов номли жамоа хўжалиги мансабдор шахслари – бош иқтисодчи Ҳ.Ҳасанов ҳамда бош ҳисобчи А.Жўрақуловларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 198-моддаси 1-бандига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хўш, бу қонунбузарликларни қандай изоҳлаш керак? Бундай ҳолатларни мансабдор шахсларнинг ўзибўларчилиги, бефарқлиги, масъулиятсизлиги оқибати деб баҳолаш лозим.

Шартномавий муносабатларни тўғри тартибга солиш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг келгусидаги тараққиёти кафолатидир.

Икром БЕРДИҚУЛОВ,
Навоий вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи

Mulohaza

ДАН ХОДИМИНИНГ ОБРЎСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кўнгилдаги иш бўлди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган бир талай тадбирлардан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Айниқса, «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги»да транспорт корхоналарида, хўжаликларда ўтказилган профилактик тадбирлар, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, билим юртларида уюштирилган суҳбатлар, учрашувлар бу борада бирмунча ижобий силжишлар қилинганлигини кўрсатмоқда.

Ҳукуматимизнинг мазкур қарори ДАН тизими барча ходимлари маданияти, билим савиясини яна бир бор синовдан ўтказмоқда. ДАН ходими камтарин, ҳалол, виждонан ишлайдиган, ҳар қандай тартиб бузилишига нисбатан муросасиз бўлмоғи лозим. Ўзида барча яхши инсоний фазилатларни тарбиялаган, эл-юрт орасида обрў қозонган ходимгина ДАН тизимининг нуфуз ва эътиборини оширади. Намунали хизматидан обрў қозонган бундай ходимлар талайгина. Бироқ бўлиб ўтган бир воқеа тафсилотини батафсил келтиришни лозим кўрдик. Чунки бу воқеа ўз навбатида бошқаларга ҳам сабоқ бўлар...

Самарқанд шаҳрининг қунботар томонида «Поворот» деган жой бор. «Поворот» ўз номи билан айлана. Бир томони шаҳардан чиқишга йўналган. Уч томони эса шаҳар ичкарисига олиб боради. Кечга томон бу ерда автоуловлар қатнови тиғизлашади.

Воқеа шу йилнинг 23 феврал куни кечга томон соат беш-олтилар орасида рўй берди.

Эшигига «Милиция» деб ёзилган, «ДАН» тамғаси босилган хизмат машинаси «Поворот»нинг шаҳардан чиқиш бекатига келиб тўхтади. Ундан тушган ДАН ходими ўзига шубҳали туюлган автоуловларни тўхтатиб, текшириб кўра бошлади. Бир пайт «Волга»дан тушган 17-18 ёшлардаги йигит кўрсатган ҳужжат маъқул келмади, шекилли, у шахт билан бориб машинанинг калитини суғуриб олиб, чўнтагига солди. Йигит калитини олиш илинжида тўрт-беш дақиқа турди-да, натижа чиқмагач, ДАН ходими тўхтатиб берган «Тико»га ўтириб қаёққадир жўнади.

«Волга» йўл устида эди. ДАН ходими уни четроққа ҳайдаб, эшигини қулфлаб қўйди. Буни ўн беш-йигирма чоғли йўловчи кўриб турганди. Уларнинг суҳбати диққатимизни тортди:

- Нотўғри қилди, - деди бири. - Машинанинг калитини олиб қўйишга ҳаққи йўқ.

- Агар йигит қайтиб келиб, машинамда фалон сўм пулим бор эди, топиб берасан деса, сержантга қийин...

Суҳбатга яна биров қўшилди. «Отаси қоидани бузганда ҳам сержант баённома тўлдириши керак эди».

- Баённома тўлғазса унинг чўнтагини ким тўлдиради? - деди бошқа бирови. Одамлар ўртасида енгилгина кулгу кўтарилди. - Кўрасиз, бироздан кейин йигитнинг отаси келади-да, машинани олиб кетади. Калитни ўзида олиб қолган одам баённома тўлдирмиди?!

- Бозор бўларкан-да, - гап қўшди кимдир.

ДАН тамғали машина турса, йўловчиларга киракаш машиналар ҳам тўхтамаскан. Шу сабаб томошабинларга «бозор»ни кўриш ҳам насиб қилди. Ярим соат ўтар-ўтмас, уч киши ҳозир бўлди. Йўловчилардан йигима-йигирма беш метрлар нарида улар ДАН ходими билан бироз суҳбатлашишди. Баённома ҳам ёзилмади. Хуллас, машинани олиб кетишди. Уларнинг ортидан ДАН ходими ҳам хизмат машинасига ўтириб, жўнаб қолди.

Воқеа мулоҳаза юритишга ундайди. Биз ДАН ходими таъмагирлик қилди, деган даъводан мутлақо йироқмиз. Масаланинг бошқа жиҳати бор. У ҳам бўлса эгнига хизмат кийимини илган ходим нотўғри ҳаракатлари билан фақат ўзинигина эмас, ҳамкасбларининг ҳам обрўсига путур етказди. Бурчига садоқатли, лафзли ходимларнинг халқ олдида мисқоллаб йиққан обрўсини ботмонлаб тўкди. Шундай эмасми?

Самарқандда шу йилнинг 23 феврал куни «14 АБ 125» давлат рақамли хизмат машинасида юрган воқеа «қаҳрамони» ҳақида эҳтимол соҳа раҳбарлари бир хулосага келишар. Лекин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нуфузли қарори фақат қоғозларда қолиб кетмаслиги лозим. Унутмайликки, бугун одамлар онги, тушунчаси ўзгарган. Халқ баҳоси - холис баҳо. Эл назаридан қолиш эса ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Кўча ҳодисотларга тўла. Кўчага чиқдикми, рулда ё пиёда бўлишимиздан қатъий назар сергак ва ҳушёр қадам ташлашга, тартиб-қоидаларга риоя этишга мажбурмиз. Бу борада бизга ДАН ходимлари керакли ёрдам ва тўғри маслаҳатлар беришлари шубҳасиз.

СУРАТДА: Бухоро вилояти Вобкент туман ИИБ ДАН бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Равшан Раҳмонов ҳайдовчи билан йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Р. АСЛОНОВ
олган сурат

Jinoyat va jazo

ҲАЛОКАТ ЙЎЛИ

ёки гиёҳванд моддалар истеъмоли ва олди-сотдиси билан боғлиқ суд ишлари ҳақида

Мухбиримиз республика Адлия вазирлигининг Судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси ҳуқуқий ҳисобот бўлими бошлиғи Анвар УСМОНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

- Анвар Акромович, аввало Сиз бошчилик қилаётган бўлим фаолияти ва унинг вазифалари ҳақида тўхталсангиз.

- Мана, етти йилки, мустақил республикамиз шаҳдам одимлар билан истиқлол йўлидан оғишмай, истиқбол сари жаҳонга юз тутмоқда. Халқимиз жипслиги ва фаровон турмуш тарзи, буюк яратувчанлик, ошкоралик ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари қўйилаётган қадамлар мустақиллигимизнинг буюк неъматларидандир.

Бўлимимиз фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси қошидаги ҳуқуқий-ҳисобот бўлими жиноятчиликка қарши кураш, адлия органлари ва судлар фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий тарғибот масалаларида бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Қисқача айтганда, бўлимимизга адлия идоралари ва судларнинг ҳуқуқий статистикасини юритиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш ва умумлаштириш, нотариат ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш идораларида нотариал ҳаракатлар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳисоботини юритиш, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўриш каби вазифалар белгиланган. Жиноятчиликка, айниқса, унинг оғир ва ашаддий турларидан ҳисобланган гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноий ишларга қарши кураш ва олдини олиш бўйича республикамизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда.

- Айтинг-чи, ушбу турдаги жиноятлар учун судланганлик ҳолати, уларнинг таркиби ва судланганларга нисбатан қўлланилаётган жазо амалиёти қай даражада?

- Маълумотларга кўра, қонуний кучга кирган ҳукмлар юзасидан ўтган 1998 йил мобайнида республикамиз судлари томонидан кўриб чиқилган ишларнинг 11,6 фоизи гиёҳвандлик билан боғлиқ ёки ҳар 9 та судланган шахсларнинг бири ушбу турдаги жиноятлар учун айбдор деб топилган.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят турлари ичида Жиноят Кодексининг 276-моддасида кўзда тутилган «гиёҳванд моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар» учун судланганлар 11,3 фоиз эканлиги қайд этилди. Ачинарлиси шундаки, вояга етмаганларни гиёҳванд ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш ҳамда шундай ҳаракатларни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этганликлари учун судланганлар 1,0 фоизни ва наркотик моддаларни контрабанда қилиш жинояти бўйича 5,7 фоизни ташкил қилган.

Республика судлари томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлари учун судланган шахсларга нисбатан белгиланаётган жазо амалиётига кўра ўтган йил давомида ушбу туркум жиноятлари учун судланганларнинг 75,4 фоизи озодликдан маҳрум этилган, шу жумладан, оғир ва ўта оғир ҳисобланган жиноий ҳаракатлари учун судланганларнинг деярли 95-100 фоизи озодликдан маҳрум этилганлар.

Бу туркумдаги жиноятлар учун белгиланаётган жазо чоралари амалиёти ўрганилганида, судлар бу турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда жазо белгилаганликлари кўринади. Жумладан, юқорида қайд этилган жиноий ҳаракатларни содир этганлиги учун Г.Қосимов Сирдарё вилоят судининг 1998 йил 14 апрелидаги ҳукмига кўра айбдор деб топилиб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 20 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Худди шунингдек, гиёҳванд моддаларни ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган Ф.Саматов, М.Мадиев, Р.Эрматов, Тошкент вилоятидан И.Саидов, Фарғона вилоятидан Р.Эргашев, Хоразм вилоятидан Т.Мадиримовлар ҳам суд ҳукмига кўра узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилганлар. Судлар ушбу туркум жиноятларни содир этган шахсларга фақат жазо тайинлаш билан чегараланиб қолмай, гиёҳвандликка йўлиққан судланганларга нисбатан қонун даражасида мажбурий даволаш чораларини белгилаб, бу оғир дарддан фориғ қилиш чораларини ҳам кўрмоқдалар. Хусусан, ушбу турдаги жиноятлар бўйича судланганларнинг 20,3 фоизига нисбатан гиёҳвандликдан мажбурий равишда даволаш чоралари қўлланилган.

- Аср вабосига айланиб бораётган ушбу жиноят билан турли ёшдаги шахслар қаторида вояга етмаганлар ва аёллар ҳам аралашиб қолаётганлиги ачинарли албатта. Сиз бу ҳолни қандай изоҳлаган бўлардингиз?

- Ўтган йил давомида вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этиб судланганлар 1997 йилга нисбатан 10,6 фоизга камайган. Аммо аёллар ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этиб судланиш салмоғини 1997 йилга нисбатан 9,8 фоизга қўпайганлиги ташвишланарли.

Судлар ушбу турдаги жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олиш борасида ваколатлари доирасида ҳукм ва хусусий ажримлар чиқармоқдалар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Жумладан, республика судлари томонидан ўтган йил мобайнида гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларни олдини олиш, уларни келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларига қарши қаратилган хусусий тарғибот ишлари шу турдаги жами ишларнинг 15,1 фоизига оид хусусий ажримлар чиқариб жойларга муҳокама қилиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун юборганлар.

Суҳбатдош:
Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Vohkim!

ШАЙТОНИЙ ИШҚ ФОЖИАСИ...

Эндигина 20 ёшга тўлаётган Фазлиддин ота-онаси қарамоғида яшаб, таралла-бедод юрар, кинолардагидай ишқ гирдобига тушарди. Аммо бундай ҳаёт уни бир куни шайтонийлик васвасасига солишини хаёлига ҳам келтирмасди...

Фазлиддин қишлоқдоши Г. исмли қизни «яхши кўриб» ўзича муҳаббат изҳор қилиб юрарди. Қиз эса ҳар гал унинг ҳавойи муҳаббатини рад этарди. Йигит охирги марта тахминан ўтган йилнинг июл ойларида ўжарлик билан шундай дейди: «Мен сени яхши кўраман, агар бошқа йигит билан юриб, унга турмушга чиқсанг ёки у йигит сени ташлаб кетса, у йигитни ўлдираман».

Яхши гапга ҳам ёмон гапга ҳам фаришта «омин» дермиш. Бир куни Фазлиддин «Қўрғондектор» қишлоғида яшовчи акаси Содиқ Узоқовнинг уйига акасининг 14 ёшли ўғли Мақсуд билан келади. Сал фурсат ўтиб, уни излаб синфдоши Шаймардон кириб келди ва унга Г. турмушга чиқаётганлигини айтиб, унинг тўйга бориш-бормаслигини сўраганида Фазлиддиннинг жаҳли чиқиб синфдоши билан жанжаллашиб қолади. Аввалроқ Шаймардоннинг ўз оғзидан эшитган, яъни «Г. билан мен юрганман, лекин менга ҳам тегмайман деди» деганини эслайди. Шунда Г.га берган сўзи унга тинчлик бермай қўяди, яъни уни шайтон васвасаси ўз гирдобига олади. Уйда турган сандиқни очиб темир сейфнинг калитини олади ва сейфни очиб, акаси Содиқ Узоқовга тегишли қўшотар ов милтиғини олиб, унга қўрғошинли ўқ жойлайди. Синфдошининг кутилмаган бу ҳаракатидан даҳшатга тушган Шаймардон Эргашев «дод» деб бошқа хонага қочиб ўтади. Аммо ўқ унинг нақ кўкрагига қадалади. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бундай қотиллиқдан қишлоқ аҳли қотиб қолди. Нега бундай бўлди? Бундай оқибатнинг сабаблари, илдизлари қаерда? Юқоридаги каби саволларга Шаҳрисабз тумани «Ҳисор» жамоа хўжалигидаги юрт ишига мутасадди шахслар жавоб топишлари лозим. Хўш, ёшларнинг ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланмай, ўқимай, ишламай, жамиятда ўз ўрнини топмай, шу каби шайтоний васвасалар ботқоғига ботишида ота-онаси, қишлоқдошлари ва бошқа «катталар»нинг айблари йўқми? Масаланинг яна бир нохуш томони бор. Бу эс-ҳушли милиция капитани Содиқ Узоқовга тегишли гап. Унинг ички ишлардаги фаолиятига анча бўлган. Кейинги пайтда Муборак тумани ички ишлар бўлимида тезкор навбатчи ходим лавозимида ишлаб келган. У қурол билан ўйнашиб бўлмаслигини яхши билади. Ов милтиғи сақлаш ҳақида Муборак тумани ички ишлар бўлимининг тегишли рухсатномасини ҳам олган. Бироқ Ички ишлар вазирлигининг амалда бўлган «Ўқотар қурол ва ўқ дориларни сақлаш тўғрисида»ги буйруғи талабларига хилоф равишда ўзи яшайдиган Шаҳрисабз тумани «Ҳисор» жамоа-ширкат хўжалигининг «Қўрғондектор» қишлоғида жойлашган, қурилиши тугалланмаган, деразаларига ойналар ҳамда панжаралар, хона эшигига эса қулфлар ўрнатилмаган, сигнализациялаштирилмаган хонадаги темир сейфда ўқотар қурол ва ўқ дориларни бирга сақлаб келиб, ушбу ов милтиғи сақланадиган хонага бегона шахслар ва ёш болаларнинг киришининг олдини олмасдан, назоратсиз ҳолда сақлаб келган. Ҳақли савол туғилади. Агар Содиқ Узоқов ов ишқибози экан, ов қуролини асраш бўйича қонуний иш тутганида бир машъум жиноятнинг олди олинган бўлармиди?

Қашқадарё вилоят судида ушбу жиноят иши кўрилиб, Фазлиддин Узоқов 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Содиқ Узоқов эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, 1998 йил 3 декабр «Амнистия тўғрисида»ги Фармонга асосан жазодан озод бўлди.

Акмал МУҲАММАДИЕВ,
Шаҳрисабз туманлараро прокуратураси катта терговчиси

Qonun va ijro

МАҚТАНИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Ҳадислардан бирида: бемор кўргани бораётган одамнинг йўллари жаннат дарвозасига туташ дейилади. Шундай экан, ўз касбини иймон қадар ардоқлайдиган шифокор аҳли борки, икки дунёда азиз бўлади. Эл соғлиги учун қайғурмоқ шараф. Ўнгланиш йилларида бу соҳада муаммолар бироз кўпайди. Шу боисдан ҳам соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришни такомиллаштириш, дори-дармон ва тиббиёт ускуналарини сотишни тартибга солиш ҳақидаги ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари қатори ҳаммамизни қувонтирди. Хўш, бу муҳим ҳужжатларнинг жойлардаги амалий ижроси қандай? Мухбиримиз Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Ҳазратқуловга худди шундай савол билан мурожаат этди.

- Фуқаролар соғлиги тўғрисида қайғуриш бизнинг муқаддас бурчимиз. Айни кунда вилоятимизда 5670 нафар врач, 20900 ўрта махсус тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳукуматимиз томонидан аҳолига тиббий хизмат кафолатланганлиги туфайли йил сайин долзарб муаммолар ўз ечимини топмоқда. Вилоятимизнинг 74,2 фоиз аҳолиси қишлоқ жойларида яшайди. Шуни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш ҳақида»ги қарорини бажариш учун 1996 йилда 6 та, 1997 йилда 9 та, 1998 йилда 15 та қишлоқ врачлик пунктлари, Китоб туманида юқумли касалликлар шифохонаси бинолари қурилиб, ишга туширилди. Деҳқонобод туман марказий шифохонаси газлаштирилди. Ғузорда 750 беморга мўлжалланган поликлиника ва 60 ўринли «Тоҳир-Зуҳра» номли қишлоқ шифохонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Қарши шаҳрида «Оила скрининги» маркази учун бино ажратилди. Вилоят 1-шифохонасида замонавий «Сирескоп» рентген аппарати ўрнатилди. Шаҳар ва туман марказий шифохоналари компьютерлаштирилди. Ички имкониятлардан фойдаланиб, «Раҳмонов кровати», гинекологик кресло, банкетка ва кушеткалар ишлаб чиқараяпмиз.

Маълумки, тиббиётда ҳамиша бош фигура - билимдон, фидойи, малакали шифокор ҳисобланади. Бугунги бемор эса қўли гул шифокорни танлайди. Хусусий тиббий хизматга эътибор туфайли 142 нафар врач якка тартибда даволаш хизмати билан машғул. Қарши шаҳри, Муборак ва Шаҳрисабз туманларида хусусий шифохоналар очилиб, улар аҳоли олқишига сазовор бўлмоқда. Келгусида улар сони яна кўпаяди. Тежамли ва қулай бўлган кундузги стационарлар фаолияти жонланди. Вилоятда вирусли гепатит, қорин тифи, ўткир юқумли ичак касалликлари билан хасталаниш анча камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш учун махсус йиғин ўтказилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят филиалини ташкил этиш ишлари кун тартибига қўйилди. Шу мақсадда вилоят травматология шифохонаси бошқа жойга кўчирилиб, биноси таъмирланмоқда. Тез кунда бу масканда шошилинч тиббий ёрдам маркази иш бошлайди.

- Ўтган йил ўз номи билан «Оила йили» эди. Бу йил «Аёллар йили». Ҳар икки йил ҳам шифокорлар учун серташвиш ва шарафли...

- Оналаримиз - оила гултожи. Вилоятимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида туғруқ ёшидаги хотин-қизлар соғлиғини ҳимоя қилиш, болали аёлларга тиббий хизматни яхшилаш чоралари кўрилди. Тошкентдаги тиббиёт институтларидан энг малакали терапевт, акушер-гинеколог, педиатрлар келиб, шартнома асосида ишлаб амалий ёрдам беришди, махсус семинар ўтказилди. ЮНИСЕФ, ЮНФПА, АЙВЕСИ ташкилотлари ҳомийлигида врачлар, ўрта тиббиёт ходимлари учун ўқув-семинар машғулотлари ташкил этдик. Вилоят туғуруқхоналарида, болалар шифохоналарида «Ёш оналар мактаблари» ташкил этилиб, махсус дастур асосида ишламоқда.

Вилоятда иккита «Оилани режалаштириш» маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу марказлар хизмати туфайли ногирон болалар туғилиши камайиб, асоратли туғуруқларнинг олди олинмоқда. 1999 йил «Аёллар йили»да вилоятимиз аёллари 100 фоиз тиббий кўрикдан ўтказилади. Аниқланган касалликлар мутахассис врачлар томонидан доимий назоратга олинади, бевосита оилаларга бориб даволашга катта эътибор берилади.

- Аҳмат Ёқубович, вилоятда даволанишга муҳтож бўлган аҳолининг бюджет ёки давлат ҳисобидан дори-дармон билан таъминланиши қай аҳволда?

- Очиғи, бу соҳада мақтанадиган жойимиз йўқ. Беморларнинг иқтисодий ночор қатлами қийналаётгани рост. Бироқ бу муаммоларни ҳал этишнинг баъзи жиҳатлари ўзимизга, ишимизга боғлиқ. Ҳукумат ёрдамни аямаяпти. Ислоҳотлар эса энди бошланди. Эл ўзимизники, юрт ўзимизники. Ҳар қанча ёниб яшасанг, ишласанг арзийди.

Суҳбатдош:
Ғози РАҲМОН

Aks-sado

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Инсон ва қонун» газетасининг 1999 йил 6 март сонида эълон қилинган Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларида ҳуқуқ фанининг ўқитилиши хусусидаги «Какрас» мутахассис-да» мақола туман халқ таълими бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида ва 23, 56-умумтаълим мактаблари педагогик кенгашларида атрофлича ўрганилди ва чора-тадбирлар белгиланди. Мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан Халқ таълими бўлими кенгаш ҳайъати қарори қабул қилинган. Ҳуқуқий органлар билан ҳамкорликда «Сиз қонунни биласизми?», Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Вилоят телевидениеси орқали туман халқ таълими бўлими мактаблари «Фуқаролик бурчи» мавзусида акс-садо кўрсатуви орқали чиқиш қилишди. Маъмурий органлар ходимлари томонидан режа асосида мактабларда суҳбатлар, учрашувлар олиб борилмоқда. Ҳақиқатан ҳам мутахассислар етишмаслиги туфайли кўпчилик мактабларда ҳуқуқ фанини тарих ўқитувчилари ўтиб келишмоқда.

Барча таълим муассасалари раҳбарларига тегишли топшириқлар берилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Ф.МИРЗАЕВ,
Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлими мудири

Самарқанд темир йўл тармоқ ички ишлар бўлими жамоаси тартиб-интизом ишларини олиб боришда бир қанча мақтовга лойиқ тадбирларни ишлаб чиқишди. Бу тадбирлар айни кунларда ўз самарасини бермоқда. Йўловчиларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Бу ишларнинг ўз вақтида олиб борилишида тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, милиция подполковниги Раҳимжон Абдиев бош-қош бўлаяпти. Шунинг учун ҳам улар номига тез-тез йўловчилар томонидан миннатдорчилик битилган мактублари келиб туради.

СУРАТДА: Раҳимжон Абдиев (ўртада) шогирдлари Бахтиёр Иброҳимов ва Шавкат Маматқуловлар билан навбатдаги ишлар хусусида маслаҳатлашмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Huquq va yoshlar

ПРОКУРОР ДАРС ЎТМОҚДА

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, бу йўналишдаги ислоҳотлар мактаблар, муаллимлар зиммасига баркамол авлодни тарбиялаш, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада бойитишдек долзарб вазифани юклади. Эндиликда таълим муассасалари ҳуқуқ-тартибот идоралари билан янада мустаҳкам ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур.

Туманимиздаги педогогик жамоалар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишга киришганлар. Мавжуд 80 та мактабда ўқувчиларга қонунчилик асосларини кундалик ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ўргатишга интилаяпмиз. Юқори синфларда ўқитилаётган «Давлат ҳуқуқи асослари» фани, бошланғич синфларда олиб борилаётган «Ҳуқуқ алифбоси», «Ҳуқуқ сабоқлари» мавзусидаги машғулотлар худди шу мақсадга қаратилган.

Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган пурҳикмат мақол бор. Зеро, ҳар бир соҳада мутахассиснинг ўрни беқиёсдир. Шуни назарда тутган ҳолда ҳуқуқ-тартибот ходимларидан туманимиздаги ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда кўмак сўраганимизда улар бажонидил рози бўлдилар. Айни кунда туман прокурорининг ўринбосари Т.Турдимов 10-ўрта мактабда, туман судининг ижрочиси О.Шойимардонова 34-ўрта мактабда ҳуқуқ дарсларини олиб бормоқдалар. Бошқа мактабларда ҳам мутахассис-юристлар ғайрат билан ишлаяпти.

Ўқувчиларнинг интилишлари ва қизиқишларини кучайтириш учун тарих ва ҳуқуқ фанлари дарсхоналарини ўзига хос тарзда безаш, махсус бурчаклар ташкил қилиб, уларни замонга ҳуқуқ оид адабиётлар, ҳуқуқий луғатлар, матбуот нашрлари билан таъмин этишга катта аҳамият бермоқдамиз. Айниқса, туман ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишловчи ходимлари тажрибасидан унумли фойдаланаяпмиз. Улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, қизиқарли учрашувлар, жонли мулоқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадбирларнинг мавзу доираси эса тобора кенгаймоқда. «Бурч ва ҳуқуқ», «Садоқат», «Қонун ва ўсмир», «Ватанимни севаман», «Ҳуқуқ ва ёшлар», «Юрт нима билан кучли?» каби мавзулардаги суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўқувчиларда яхши таассурот қолдираяпти.

Сўнгги уч йил давомида ўтказилиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови жуда оммавий тус олган. Танлов тўрт босқичда мунтазам ўтказилмоқда. Тумандаги 10-, 15-, 16-ўрта мактаблар жамоалари бундай мусобақаларнинг ғолиблари бўлишди.

Энди эса мактабларарo «Сиз тарихингизни биласизми?» кўрик-танлови мусобақалари бошланди. Беллашувларнинг қизиқарли ўтишида Ҳабиба Асророва, Муҳаммад Эшниёзов, Собир Раҳимов, Муқаддас Зоҳидова, Матлуба Эргашева сингари тажрибали педагоглар жонкуярлик қилишмоқда.

Мақсадимиз ўқувчиларни ҳаётга эркин, онгли қадам қўйишга тайёрлаш, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашдир. Шунинг негизида ШАХСнинг нуфузи, мавқеини кўтаришдир. Чунки ҳуқуқ, бурч, масъулият, меҳр, иймон каби тушунчалар моҳияти тўла англаб етилгандагина қонунларга ҳурмат ҳисси бўй кўрсатади.

Исомиддин ҚЎЧҚОРОВ,
Хатирчи тумани халқ таълими бўлими мудири

Soliq tizimida

ҚАЛЛОБ ТАДБИРКОРЛАР

Мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилди, имконият яратилди. Сир эмас, кўпгина ҳалол, ишбилармон тадбиркорлар оқилона иш юритиб ҳам давлатта, ҳам халққа фойда келтирмоқдалар.

Биргина Шаҳрисабз туманида ўтган йили ҳар бир тадбиркордан 1351 сўм даромад солиғи ундирилиб, давлат хазинасига 12923,4 минг сўм маблағ туширилди.

Вилоятда кейинги олти ой мобайнида тадбиркорлар сони 3879 кишига ортди. 199 тадбиркорга банк муассасаларида ҳисоб рақамлари очилиб, 27,6 миллион сўм нақд пул топширилди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилардан 148,6 миллион сўм патент тўловлари ундирилди. Аммо кўпгина тадбиркорлар ишончни суиистеъмол қилган ҳолда қонунларга, солиқ йўриқномаларига зид иш тутаётирлар. Шаҳрисабз туманида ўтказилган текширишларда 385 нафар қаллоб тадбиркорлар аниқланиб, улардан 720 минг сўм жарима ундирилди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз фаолият кўрсатган 12 тадбиркордан 51,8 минг сўмлик турли маҳсулотлар мусодара қилинди ва улар 52,1 минг сўм миқдорида жарима тўладилар.

ҚАЛТИС ИШ КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

Иймон-эътиқодли халқимиз ҳатто ўғридан ҳам инсоф тилаган. Фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаган баъзи ноинсоф кимсалар ўз қилмишлари билан қадриятларимизга, қадимий анъаналаримизга путур етказмоқдалар. Қарши шаҳрида «Фаэтон» хусусий фирмаси бор. Унинг раҳбари Ш.Жўраев мансаб ваколатидан фойдаланиб, қалбаки ҳужжатлар билан «Санам» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Мададкор» фирмасидан 6999986,50 сўмлик маҳсулот олиб, фирмага 316762 сўм зарар етказган. Ачинарли томони шундаки, бу маҳсулотлар республикамиздан четга олиб чиқилган. Айни вақтда фирма бошлиғининг ушбу қилмиши юзасидан тергов олиб борилмоқда. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси мутахассисларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда олиб бораётган амалий тадбирларига қарамасдан шу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар учун 29 та жиноят иши қўзғатилди. Наҳот, баъзи қалби нопок кимсалар қалтис ишга қўл ураётганда, у бугун бўлмаса эртага қулфат келтиришини ўйламасалар!

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти

Hukm o'qildi

ТОВЛАМАЧИ

ёки милиционернинг пора олиш усули

Тўрақўрғон тумани Шохидон қишлоғидаги бозор одамлар билан гавжум. Кимдир ўз молини сотмоқчи, яна кимдир харид қилиш илинжида. Шу куни «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги боғбони Абдуғани Ҳасанов ҳам эрта тонгда бозорга келди. Боғбоннинг бозорга бу галги ташрифи зўрма-зўраки эди...

Абдуғани газета қоғозга ўралган 25.000 сўм пулни кўтарганча бозор дарвозаси олдига келиб, кимнидир кута бошлади. Соат 8 га яқинлашди. Шу пайт «Москвич-412» русумли автомашина чатроқда тўхтаб, ундан милиция ходими Жаҳонгир Сайдуллаев тушди. У Абдуғанидан қоғозга ўроғлиқ нарсани олиб, машина «бардачоги»га жойлади. Бироқ машинани юргизишга улгурмади. Тезкор гуруҳ уни воқеа жойида қўлга олди.

Нега энди Абдуғани Жаҳонгирга айнан мана шу жойда пул бериши керак? Бунинг сири нимада эди?

1998 йил 27 август куни Жаҳонгир Сайдуллаев ҳамкасби, туман ИИБ пост-патруль хизмати милиционери Мухторжон Ибрагимов билан биргаликда «Тўрақўрғон» жамоа хўжалиги 10-бригада ерини текшириб юришганди. Улар иттифоқо бригада аъзоси Абдуғани Ҳасанов адирликда ташкил этган боғ ёнидан ўтган ариқ бўйидаги ўтлар орасида бир туп наша ўсимлигини кўриб қолишди.

«Пул топишнинг мавриди келди» дея ўйлади Жаҳонгир ва боғбонга юзланиб, «Энди ишингиз чатоқ. Биласиз, ҳозир гиёҳванд моддаларга қарши республика бўйича кескин кураш олиб борилмоқда. Бу нарсанинг бир тупи ҳам наша, бир килоси ҳам! Бунинг учун жиноий жавобгарликка тортиласиз. Камида беш йил қамалишингиз тайин. Биз бу тўғрида тегишли ҳужжат тайёрласак бўлгани» деди қўлидаги ўсимликни айлантираркан.

«Қамоқ» сўзини эшитган Абдуғанининг дами ичига тушиб, ранги оқарди. «Ахир, бу ўсимликни энди кўриб турибман. Уни атайлаб экмаганман, ака. Қолаверса, буни нашалигини ҳозир билиб турибман».

- Бўлди, гапни кўп айлантирманг, - деди милиция ходими дағал овозда. - Ўзи доим шунақа бўлади, қилғиликни қилишиб, яна «билмай қилиб қўйдим, ўлай агар, ҳеч нарсадан хабарим йўқ» деб туриб олишади. Аслида сизга ўхшаганлар... - қўл силтади у.

- Наҳотки ишонмасангиз, ахир, бир жойлик одаммиз, ака. Келинг, яхшиси бу ишни ёпди-ёпди қилиб юборинг. Шуни деб болаларим отасиз қолмасин, - дея ялинишга тушди қўрқиб кетган Абдуғани.

- Бўпти, кўп ялинма. Бу иш осонгина битмайди. Бунинг учун катта узатиш керак.

- Қанча?

- 50 минг сўм!

Шундан сўнг Абдуғанининг юзига ним қизиллик югурди. Лекин шунча пулни топиш амри маҳол. Энг асосийси, муросасозлик қилиш керак...

Абдуғани шуларни ўйлаб бригада бошлиғи Мирзараҳим Раҳматовга бор гапни айтди. Бригадир аъзосининг шароити оғирлигини «қонун посбони»га етиғи билан тушунтирди ва келишилган пул 30 минг сўмга тушди. Жаҳонгир инсофга келдими, кўнди.

Шундан сўнг Абдуғани пул топиш пайида бўлди. Қариндош-уруғ, ошна-оғайнилардан сўради. Бироқ айтилган ҳажмда пул тўпланмади. Вақт эса кунданкун яқинлашиб борарди. Шу он унинг миясида бир фикр ялт этди: «Бу тўғрида тегишли идорага айтсамчи?» ўйлади ўзича ва шу хаёлда ўша даргоҳга йўл олди. У ерда муаммо дарров ҳал бўлди. Абдуғани қоғозга ўралган нақд 25 минг сўм пулни белгиланган жойга олиб борди. Таъмагир милиционер ҳамда унинг ҳамтовоғи - бригадир Мирзараҳим Раҳматовлар шу тариқа қўлга олиндилар.

Тергов жараёнида айбланувчилар ўз қилмишларига тўла иқрор бўлмадилар. Бироқ экспертиза хулосалари буни юз фоиз тасдиқлади.

Суд ўз мансабини суиистеъмол қилган товламачи милиционерга етти йил, «ўртачи»га эса бир ярим йил қамоқ жазоси тайинлади.

Тоҳирахон МЎЙДИНОВА,
Наманган шаҳар суди раисининг муовини

Tergov chorrahalarida

ТОНГДА ТОПИЛГАН МУРДА

1998 йилнинг 21 октябри тонги Тошкент транспорт прокуратураси, Ўзбекистон транспорт ва Юнусобод тумани ички ишлар бошқармалари ходимларини безовталик билан уйғотди:

«Юнусобод туманидаги Ҳисор кўчасини кесиб ўтадиган темир йўл излари орасидан номаълум одам жасади топилган. Марҳумнинг танаси турли жароҳатлардан моматалоқ бўлиб кетган. Жасад ярим-ялангоч ҳолда бўлиб, уриб ўлдирилганлиги ва кийимлари ечиб олинганлиги аниқланди. Қотиллик ва босқинчилик...»

Ҳа, мен, воқеа жойига етиб келганимда аҳвол шундай эди. Пўлат излар орасида қонга беланган сон-саноқсиз жароҳатлардан танаси уйдим-чуқур, юзи эса таниб бўлмас даражага етган йигитнинг букчайган ҳолдаги жонсиз танаси ётарди. Устки кийимларсиз, на ҳужжати, на бошқа - шахсидан дарак берувчи нарса йўқ. Атрофда воқеадан шаҳодат берувчи бирорта из, далил йўқ. Темир йўл ва уриб ўлдирилган одам жасади! Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, кўрмаган, эшитмаган.

Хуллас, тергов ва жиноят қидирув ходимлари олдида «игна билан қудуқ қазиш» ёхуд «беда хирмони орасидан игнани топиш»дек вазифа кўндаланг бўлди.

Зудлик билан қўзғатилган жиноят иши юзасидан терговни Тошкент транспорт прокуратураси катта терговчиси Шерзод Мамажонов ўз қўлига олди. Ўзбекистон Транспорт милицияси бошлиғининг 1-ўринбосари Аваз Ахунов, Юнусобод ички ишлар бошқармаси бошлиғи Анвар Ҳайдаров шу кунлари тиним билган эмас. Касбга фидойилик ва ваколатлилик намунасини ички ишлар хизматининг жонбоз ходимлари Марс Қосимов ва Исмат Аҳмадхўжаевлар кўрсатишди: номаълум ҳолатда, номаълум шахслар томонидан номаълум одамнинг ваҳшийларча ўлдирилиши ҳақидаги оғир жиноятдан «номаълумлик» тамғаси бир неча кун ичида олиб ташланди...

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманилик Илҳом Чориев деган ошпаз йигит Тошкентга келиб, у ер - бу ердан «ёғли»роқ иш қидириб топди ва Юнусобод туманидан ярим ташландиқ лойдеворли ҳовлиси бўлган уйчада яшай бошлади. Тез орада унга ўзига ўхшашсайёр ишчи, музрободлик тенгқури Шуҳрат Кенжаев дуч келиб қолди ва бирга «фаолият» кўрсата бошлашди. Лекин... топган-тутганларини камчиликларини бутлаш, ойласига қарашиш учун эмас, тунги «ичкиликларга бўкиш»га сарфлай бошладилар. «Кўрни кўр қоронғуда топади» деганларидек, бундайларга ўзига ўхшаган улфату шериклар ҳам ҳар қадамда учрайверар экан. Ишлаш жойи бетайин, сатанглик билан кун кечирувчи Борис Муҳамедуллин деган кимса улар билан топишди. Қарангки, уларни боғловчи ҳеч нарса йўқ, ичкиликбозликни ҳисобга олмаганда, албатта.

Маст-алаштлик бўлиб турган жойга, хирапашшадек бетайин кимсалар айланишаверади экан. 20 октябр оқшоми винохўрлик айни авжига чиққанда, кутилмаган меҳмон-мезбонларга мутлақо нотаниш Виктор Степанов деган йигит кириб келиб, даврага қўшилди. Ичиш, чекиш... бошлар қизиди. Юраклар қинидан сапчиб, «жасорат»га чорлай бошлади. Тиллари каловланиб, оғизларидан боди кириб, шоди чиқаверди. Бири иккинчисини ҳақоратлаш авжига чиқди. Сўнг олатасир бошланди. Борис Степановга ташланиб, юзи-кўзи аралаш ура кетди. Ажратиб қўйишди. Бироз ўзларига келишди. Сўнг тағин ичкилик келтиришди. Оғу тафти аввал бошга, сўнг муштга кўчди. Степанов маст - сўкинаверди, Муҳамедуллин маст - тепаверди, Чориев маст - муштлайверди. Кенжаев маст - четга чиқиб томошабинлик қилаверди...

Хуллас, тонгга яқин тепки, таёқ ва муштлар ўз ишини қилди. «Чақирилмаган меҳмон»ларини ёнини шилиб, устки кийимларини ҳам ечиб олишиб, жонсиз танасини ташқарига судраб чиқишди-да, нарироқдан ўтадиган темир йўл излари орасига «ётқизиб» қайтдилар. «Туш» кўриб ўтирган Кенжаев эса аллақандай ғамгин куйни хиргойи қилганича жўнаб қолди.

Улар «қозон ёпиқлигича қолади» деб ўйлашганди. «Мўлжал»ни хато олишган экан...

Терговда жиноят тафсилотлари билан бир қаторда, уни келтириб чиқарган сабаблар ҳам қидирилди. Лўндароқ айтганда, асосий эътибор ҳам ушбу жиҳатга қаратилди. Бош сабаблардан бири - ота-оналарнинг «кўзининг нури, белининг қуввати» қилиб ўстириши (ҳар тўрттала қаҳрамоннинг ҳам) болаларини уйдан «учирма» қилишгандан сўнг уларнинг юриш-туриши, тақдири билан қизиқмай қўйишгани бўлган. Ичадими, чекадими, санқиб юрадими, ойлаб йўқолиб кетадими, барибир... Йигитчалар униб-ўсган маҳалла-кўй, жамоатчилик ўз бағриларидан чиққан ўсмирлар тақдири билан «йўл бошида» ҳам қизиқмаган, кейин-ку умуман «ёддан чиқаришган». «Юргандир, ўлмаса нонини топар», хилида йўл тутишган. «Ипини узиб қочган бузоқчалар»ни эса эркин ҳаёт ичкилик тузоғига илинтириб, охир-оқибатда «сомонхона» (бўлганда ҳам панжаралик) сари етаклаган.

Прокуратура ушбу омиллар ва бошқа сабаблар юзасидан ўз фикрини тегишли жойларга билдирди. Тез орада жавоб мактублари ҳам келди.

Ш.Кенжаевнинг яшаш жойи - Музробод туман ҳокимининг 1-ўринбосари Алломурод Худойназаров имзолаган хатда ҳокимликнинг махсус йиғилишида, қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролари йиғини раислари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлими, меҳнат биржаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ўқув даргоҳлари мутасаддилари иштирокида кенг муҳокама қилиниб, ёшлар тарбияси ва муаммоларига қаттиқ эътибор билан қараш учун аниқ тадбирлар белгиланганлиги билдирилди. Худди шундай жавоблар Тошкент тумани Келес шаҳри «Ҳувайдо» маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқалардан ҳам олинди...

Хуллас демоқчиманки, сиз ўқиган мазкур оғир жиноят бир оқшомдаги ичкилик оқибати эмас экан. Улар узоқ вақтдан буён йиғилиб келган лоқайдлигимиз, тарбияда бўшанглигимиз, оқибатни унутганлигимиз, фаолиятимизда баъзи кемтикларни ўз вақтида бутлай олмаганлигимиз оқибати бўлиб чиқди. Фақат «қўза кунида синди» холос. Оқибатда бир йигит жувонмарг бўлиб ҳаётдан кўз юмди, Муҳамедуллин 17, Чориев 16, Кенжаев 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Мен қиссадан ҳисса чиқаришни, мақоламда келтирган «тўрт қаҳрамон»нинг аянчли тақдири бошқа «йўл бошида турган»ларга сабоқ бўлишини жуда хоҳлардим...

Шуҳрат ОРИПОВ,
Тошкент транспорт прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

Ana, xalos!

РАШК...ва МУШТ

Таниқли киноактёр Жан Клод ван Дамм ўз тренери Дакснинг ўз қайнисинглиси билан дон олишиб юрганини сезиб қолиб, уни бир неча бор огоҳлантирган. Сўнг эса бу «иш»лар давом этавергач, баҳона қидириб, кинодан тушадиган пул «талашиб» қолишган ва устозининг қоншарига тушириб қолган. Ҳозир улар судлашиб юришибди экан. Ҳа, мушти қаттиқларнинг қайнисинглисига ҳам эҳтиёт бўлиб яқинлашмоқ керак...

Оммавий ахборот воситалари хабарларидан олинди

Муҳтарам «Инсон ва қонун!»

«Ғалаба» жамоа хўжалигида бир гуруҳ раҳбар ва мутасадди ходимлар дабдабали тўйларга маблағ ҳам, пул ҳам топишади-ю, мана учинчи йил кетаяпти биз аёлларга болалари учун берилиши лозим бўлган пулни тўлашга қолганда «йўқ, йўқ»дан нарига ўтишмаяпти. Раисимиз Дамин Алиқулов, бош ҳисобчимиз Т.Шоймардонов ва... юқоригача, барчаси ваъдани дўндириб ташлашаяпти. Биз аёллар ишни, болаларни ташлаб юқорига 20 дан ортиқ арз қилдик. Аммо ғолиб бўлолмадик. Аксинча, ўз меҳнат ҳақимизни ҳам ололмай сарсон бўлаяпмиз.

Мелихол АНОРОВА, Розия ЭШБОЕВА ва бошқалар
Сурхондарё вилояти, Денов туман «Ғалаба» жамоа хўжалиги

ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарама оналар, опа-сингилжонлар! Тўғриси, хатингизни ўқиб қаҳримиз келди. Болалар учун таъминот пулини ҳукумат нега ажратган, жаноб мутасаддилар? Нега аёлларни зир югуртириб қўйдингиз? Жавобни кутамиз. Керак бўлса, қонун олдида ҳам жавоб бериш кераклигини унутманг.

Bizga javob beradilar

МАХСУС ДАСТУРИЛАМАЛ КЕРАК

«Инсон ва қонун» газетасининг шу йил 12 январ сонида босилган «Санъатфурушлар» номли мақолани оддий газетхон сифатида зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақола муаллифи вилоят миқёсида кўп қиррали текшириш ўтказиб, жамоатчиликка асосли таклифлар тақдимқилган. Биз мазкур мақолада вилоят мутасадди ташкилотлари томонидан ўйлланган жавобларни ҳам ўқиб бормоқдамиз. Лекин бу жавоблар етарли эмас.

Чунки таҳририят мазкур мақола юзасидан бошқа вилоятлардан ҳам жавоб кутаётганлигини маълум қилган. Бу ҳақиқий талаб, чунки отарчи санъаткорлар барча вилоятларда мавжуд. Уларнинг фаолияти етарли назорат қилинмайди. Отарчиларнинг кўпчилиги фақат тўйлардагина эмас, балки бешик тўйларида, чарларларда ҳам фаолият кўрсатадилар. Шу муносабат билан бирор жойда ишламасдан холис хизмат қилувчи бундай санъаткорларни рўйхатга оладиган ва уларнинг фаолияти устидан солиқ инспекцияси, маҳалла комитетлари билан биргаликда назорат қиладиган ҳар бир вилоятдаги маданият бошқармаларида ёки вилоят театрлари ҳузурида бўлим ташкил қилиш керак.

Агар бундай хонандалар гуруҳлари маҳалла комиссиялари, юқорида зикр этилган бўлимлардан рухсатсиз фаолият кўрсатсалар солиқ инспекцияларига маълум қилишлари мақсадга мувофиқ бўлур эди. Тажриба санъаткорлар тўйлардан оладиган даромадларни ҳисоблаш мураккаб эканлигини кўрсатади. Яхшиси тўй эгаси махсус рухсат берувчи бўлимга белгиланган миқдорда пул тўлаши, санъаткорлар билан ҳисоб-китоб қилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда тўйларда пул ўмаришга йўл қўймаслик керак. Бу назорат маҳалла комиссиялари зиммасига юкланса. Шу муносабат билан республика давлат солиқ қўмитаси жойлардаги ўз бўлимлари орқали махсус текшириш ўтказиб, алоҳида дастуриламал (инструкция) ишлаб чиқсалар, бу масалани тартибга солишга муносиб ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Ҳикмат СОБИРОВ,
профессор

КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛМОҚДА

Хоразм вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси «Инсон ва қонун» газетасининг 1999 йил 12 январ сонида эълон қилинган «Санъатфурушлар» сарлавҳали мақоласи бўйича тегишли ташкилот ва маҳаллаларда йиғилиш ўтказиб, бизга қуйидаги мактубни йўллашибди.

«Сизга шуни маълум қиламизки, 1996 йил 11 ноябрда вилоят ҳокимининг «Вилоятда қўшиқчилик, мусиқа ва рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорга асосан ҳар бир шаҳар ва туманда маданий хизмат бюролари тузилган. Санъаткорлар вилоят бадиий кенгашидан ўтиб, махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлгач, тўй-тантаналарда йўлланма асосида хизмат қиладилар.

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, махсус рухсатномасиз ва йўлланмасиз маданий хизмат кўрсатиб, даромадини солиқдан яширишга уринаётган айрим санъаткорлар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида вилоят маданият ишлари бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида текширувлар ўтказилмоқда. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳам бу борадаги масъулияти оширилди. Вилоят телевидениеси ва радиоси, матбуот нашрлари орқали бу мавзуда чиқишлар уюштирилди. Юқорида қайд қилинган қарор ижроси устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

Мақола муаллифи «Текширишлар давомида расмий рухсатнома билан тўйларда хизмат кўрсатаётганлар сони вилоят бўйича атиги 10 киши эканлигини аниқлаш қийин бўлмади» деб ёзибди.

1997 йилда вилоят бадиий кенгашидан ўтган 651 та санъаткорга, 1998 йилда эса 289 та санъаткорга давлат рухсатномаси (лицензия) берилган. 1999 йил 25 февралгача 478 санъаткор бадиий кенгашдан ўтиб, давлат рухсатномасига эга бўлган ҳолда тўй ва маросимларда хизмат қилмоқдалар.

Вилоятда санъаткорлар томонидан ижро этилаётган қўшиқ ва рақсларнинг мазмун ва бадиий жиҳатдан юксак савияда бўлиши борасида ҳам маданият ишлари бошқармаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими, «Ўзбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси вилоят бўлими, «Хоразмрақс» ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб боришаяпти.

Республикамиз Президентининг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa-маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони асосида тўйларда ортиқча дабдабабозлик, исрофгарчилик ҳолатларининг олдини олиш бўйича изчил иш олиб борилаяпти.

Албатта, мақолада тилга олинган муаммоларни, камчиликларни бир кунда ёки бир ҳафтада тўла бартараф қилиб бўлмайди. Бу табиий ҳол. Шу сабабли бундай ҳаракатларга барҳам бериш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилаяпти. Бу эса яқин фурсатда ўзининг ижобий самарасини беради.

Вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида тегишли ташкилотлар мақолада билдирилган танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, тўй-ҳашамларда, бошқа тантаналарда маданий хизмат кўрсатишни тартибга солиш, Хоразм санъатини янада равнақ топтириш борасида амалий ишларни давом эттирадилар.

И.ЮСУПОВ,
Хоразм вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи»

ТАҲРИРИЯТДАН: Хоразмда юқорида келтирилган танқидий фикрлар ва амалга оширилган, оширилаётган ишлар бошқа вилоятларда, Тошкент шаҳрида йўқ дейсизми? Бор, мавжуд. Таҳририятимиз уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиши, сўнг танқидий мақола босиши шартми? Биз истардикки, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ҳам ушбу муаммога оид қилинаётган ишлар «ғалвири» кўтарилсаю, бу ҳақда бир энлик хат олсак.

Муаллиф ҳақида:

Файзулла Ботиров 1972 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. 1978 йил университетни тамомлаб, дастлаб Наманган вилоят прокуратурасида, кейин Задарё, Чиноз, Сайхунобод туманлар прокуратураларида турли лавозимларида ишлади. Ҳозир Сирдарё вилоят прокуратурасида катта терговчи вазифасида ишламоқда.

У қаерда ишламасин, бор илмини, тажрибасини адолатни ҳимоя этишга, қонунчиликни мустаҳкамлашга бахшида қилди. Бугун ўзининг 50 баҳорини қаршилаётган фидойи юрист Файзулла Ботировни айни камолот, етуклик ёши билан қутлаб, келгуси ишларида фақат ютуқлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ТЎЙДАН СЎНГГИ ҚОТИЛЛИК

Ичкиликка берилиш ҳеч қачон, ҳеч кимга яхшилик келтирган эмас. Аксинча, ҳамиша одамлар бошига кулфат солиб, тўйни азага айлантиргани, мўминни қотил қилиб қўйганига жуда кўп марта гувоҳ бўлганмиз.

Ховос тумани «Шарқобод» қишлоғида яшовчи Рўзи Душаев ҳам ичкиликка берилганлардан чиқиб қолди. У 1998 йил 20 сентябр куни тахминан соат ўн бирда «Қўқон-Жиззах» темир йўлининг «Шарқобод» бекатида, фуқаролар уйида дурадгорлик ишлари билан шуғулланиб юрувчи 1942 йилда Россия Федерациясининг Кемерово вилоятида туғилган Николай Климов исмли танишини учратиб, иккаласи 2000 сўмга бир эшик ва дераза ясаб, ўрнатиб бериш борасида келишиб олишади. Рўзи устани уйига бошлаб келиб, аванс тариқасида унга 500 сўм пул беради. Ёғоч ва бошқа керакли асбобларни, иш жойларини кўрсатиб, шу қишлоқда яшовчи тоғаси Илянов Каримнинг никоҳ тўйига кетади.

Шундан сўнг Рўзивой тўйхонада спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолда тахминан соат уч яримларда уйига келганда уста Николайнинг ҳам маст ҳолда топширилган ишларни мутлақо бажармасдан, ҳовлида турмуш ўртоғи Б.Душаевадан винога пул талаб қилиб, жанжаллашиб турганлигини кўради. Нега ҳеч иш қилмадинг деб сўраганида, Климов уни ножўя сўзлар билан ҳақоратлайди. Рўзи ҳам маст эмасми, шайтон васвасасига учиб жаҳл билан устадан ўч олишга тушади. Климовнинг жисмонан ожизлигидан фойдаланиб, унга ташланиб, юзига бошига муштлай кетади. Уста йиқилгач бир неча бор қаттиқ уриб, шафқатсизлик билан қийнаб ўлдиради.

Боёвут туманлараро суд-тиббий экспертизаси ходимлари марҳумнинг бош мияси ёрилиб, барча қовурғалари синиб, ичаклари йиртилиб, ичига қон қуйилиши туфайли вафот этганлигини исботладилар.

Хуллас, барча иллатларнинг онаси бўлган ичкилик оқибатида Рўзи Душаевдай бир мўмин йигит қотилга айланди-қолди.

Файзулла БОТИРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси катта терговчиси

Alining maydoni

УЙИМНИ ЎҒРИ URDI

1998 йил август ойида уйимга Эшбобоев Карим деган шахс кириб, роса «сайр қилган». Эшик-сандиқларни синдирган, пул-буюмларимни орқалаб кетган. Уларни холис гувоҳлар ушлашган. Милицияда иш қўзғатишган. Жиноятлари тўла очилган. Аммо... ўғрилар ҳанузгача таралла-бедод ўйнаб юришибди. Тергов ва прокуратура барча ҳолатни қоғозга туширишган. Лекин негадир уларни жазолашга қўллари бормаяпти. Мен ва хотинимнинг «уйи куйган»лигини билатуриб, ўғрини ўйнатиб қўйишибди. Биз улардан талаб қилсак, «қўлга тушди-ку, қаерга қочади» деб қўйишади. Ҳайронмиз...

Ширин ва Норбўта ШАРОПОВлар,
Яккабоғ тумани,
К.Мейлиев жамоа хўжалиги,
Галамулла қишлоғи

ТАҲРИРИЯТДАН: Агар сиз келтирган фактлар рост бўлса, бошқа қонуний асослар бўлмаса, Ширин опа ва Норбўта ака, ўғриларга ҳамдам бўлганлар уларнинг шерикларидир. Модомики, бошқа узрли сабаби бўлса уларни айблаш хато бўлади. Бизнингча, ўғриларга ҳомий бўлиш жиноятдир. Балки уларнинг ўз уйини ўғри урса кўзлари очилар... Ҳар ҳолда олдиндан хулоса қилмасдан, расмий жавобларини кутамиз. Сизда бирор «хилват» гап бўлса сўнг айтарсиз.

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг чет тиллар факультети педагоглари, талабалари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол қатнашмоқда. Улар қисқа вақт ичида 1070 та турли-туман гул кўчатлари, 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишга муваффақ бўлишди.

СУРАТЛАРДА: (ўнгдан учинчи) чет тиллар факультети декани Умрбой Пирназаров бир гуруҳ педагоглар, талабалар билан ободонлаштириш хусусида маслаҳатлашмоқда; бир гуруҳ талабалар билим маскани ҳудудини тартибга келтираётган пайт.

Нурмамат АЛМУРОДОВ
олган суратлар

Eng yaxshi uchastka vakillari haqida hikoyalar

БЕОРОМ ҚАЛБ СОҲИБИ

Чиноз туман ички ишлар бўлимида бўлганимизда бошлиқ, милиция подполковниги Мираббос Собировдан энг яхши участка вакиллари ҳақида сўрадик.

-Участка вакилларимиз 16 нафар, - деди у, - аммо улар ичида Абдурасулга тенг келадиган йўқ. Йўлдошев жуда беором, тиниб-тинчимайдиган инсон. Хизмат ҳудудиям катта. Бутун Чиноз шаҳрининг осойишталиги учун битта ўзи жавоб беради. Унинг ишчанлиги, айтилган топшириқни ўз вақтида бажариши бошқаларга ибрат. Энг асосийси ўз касбини яхши кўради, ишдан эринмайди. Одамлар билан тил топиша билади. Маҳаллаларда обрўйи баланд. Қанийди, барча участкавойларимиз ҳам ана шу Абдурасул Йўлдошевдек бўлишса?!

Дарҳақиқат, бошлиқ уни бекорга мақтамаган экан. Абдурасул хизмат қилаётган ҳудуд чиндан ҳам бошқа участка вакилларникидан 4-5 баробар катта. Шаҳарда 15 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 7 маҳалла, 4 та ўрта мактаб, 8 та болалар боғчаси, 1 та масжид, 1 та деҳқон ва мол бозори, битта касалхона, 2 та поликлиника, 3 та банк ва 54 та ташкилот ва идора бор. Уларнинг осойишталигини таъминлаш осон эмас. Бундан ташқари муқаддам судланганларнинг ҳаётидан хабар олиш, кўз-қулоқ бўлиб туриш, уларга тегишли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам унинг зиммасида.

- Бундай катта территорияда ишлаш қийин эмасми? - дея сўрайман Абдурасул Йўлдошевдан.

- Очиғи, кўникиб кетганман, - дейди у кулиб. - Агар меҳнат қилишдан қочсангиз кичкина ҳудудда ҳам ҳеч нарса қилмаслик мумкин.

Мен тез-тез муқаддам судланганлар меҳнат қилаётган жамоаларда бўлиб, уларнинг ўзлари ва улар ишлаётган идора ё ташкилот раҳбарлари билан суҳбатда бўламан. Керакли ёрдамлар уюштираман. Бундай профилактик тадбирларнинг самараси катта бўлаяпти. Аҳолининг бевосита кўмаги билан ўтган йили ҳудудимизда содир этилган жиноятларнинг 95 фоизи очилди. Менга бу борада фаол кўмак бераётган Ҳамза, Илҳом Шарипов номидаги, Афғон, Хўжа маҳаллаларнинг тажрибали ва оқсоқол раислари Ҳамид Отахонов, Баҳром Полвонов, Ҳасан Турсунқулов, Собир Райимовлардан беҳад миннатдорман.

- Устозингиз ким?

- Мен ўзининг бор билим ва тажрибасини узоқ йиллардан бери эринмасдан ўргатиб келаётган участка вакили, милиция капитани Турғун ака Абдуғаниевдан жуда-жуда миннатдорман. У кишини ўзимга ҳақиқий устоз деб биламан.

Турғун аканинг ҳудуди биз билан чегарадош. У кишига Чиноз шаҳрининг Пахтаобод, Янгиобод, Исломобод ва Ёшлик маҳаллалари ва тумандаги «Йўлтушган» жамоа хўжалиги қарайди. Участка вакили сифатида Турғун ака бой тажрибага эга. Жуда синчков. Ҳудудида юрган бегона кишини узоқдан бир сер солишданоқ билади.

Ўн олти йилдан бери эл тинчлиги йўлида ҳалол тер тўкиб келаётган бу меҳнатсевар ва тиришқоқ, олий маълумотли йигит ҳақида жуда кўп ибратли нарсаларни ёзиш мумкин. Мана уларнинг биттаси. Абдурасул Йўлдошевнинг фаол ҳаракати туфайли яқинда қотиллик жинояти содир этиб, 1994 йилдан бери турли жойларда бўридек яшириниб юрган Фарҳод Фозилов деган кимса қўлга олинди. Бундай мисоллар унинг ҳаётида жуда кўп. Капитан Абдурасул Йўлдошевнинг кўксини ана шундай яхши хизматлари учун «Хизматда намуна кўрсатган участка вакили» нишони безаб турибди.

Ўткир САИДОВ,
журналист

Aliment

ПАДАР БУРЧИНИ БАЖАРМАСА...

Ҳурматли таҳририят!

Нашрларингизни севиб ўқийман. Улар менинг ҳамсуҳбатимга айланган. Илоё, соғ бўлинглар. Мен ҳам дунёга умидли инсонлар қатори келган эдим. Афсуски... қисмат экан, кутганим бўлмади. Мени қариндошимга турмушга беришди. Орамизда ногирон фарзанд туғилгандан сўнг ажралишга мажбур бўлдик. Мен 13 йилдан буён болам билан ёлғиз оналик «гашти»ни суриб яшаяпман. Собиқ эрим, у кишининг ота-оналари мен ва фарзандимдан «қутулиш»дилару эсдан чиқариб юборишди. На алимент, на ёрдам, на «ҳорманг!»... Яқинда судлашдик ҳам. Нима қилай, ёрдам, ҳеч қурса маслаҳат беринглар.

Санобар СОДИҚОВА,
Андижон шаҳри
2-Ўш тор кўчаси

ТАҲРИРИЯТДАН: Санобархон синглим! Катта орзулар оғушида турмуш қуриб, фарзандли бўлишдек оғир ва ҳаяжонли онларни бошдан кечириб, охир-оқибатда ногирон фарзанд... ажралишлар... барчасини тушунамиз. Аёлнинг, онанинг муштипарлиги, сабр-бардоши эъзозланиши мазмуни ҳам шунда. Болангизнинг отаси, собиқ эрингиз бобоси ва момоси сизга қон-қариндош бўлатуриб, бу қадар оқибатсиз бўлишганлигини ақлимизга сиғдира олмадик. Майли, яна бир бор ўйлаб кўришар, ихтиёрий инсофга келишар...

Алимент масаласидаги саволингизга жавобимиз шундай: Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 96-дан 147-моддасигача сизни қизиқтирган масалалар ечими қонуний мустаҳкамланган. Уларга бир назар ташласангиз ёмон бўлмасди. Унинг 99-моддасига кўра битта бола учун собиқ эрингизнинг барча даромадларидан тўртдан бир қисми ундирилиши керак. Суд бу миқдорни аҳволга қараб кўпайтириши мумкин. Бу миқдор қатъий сумма тартибида ҳам белгиланиши мумкин (101-104-моддалар). Собиқ эрингиздан таъминот ундириш мумкин бўлмай қолган тақдирда, Сиз судга уни болангизнинг бобо-момосидан ундириб олишни сўраб мурожаат қилишингиз ҳам мумкин (112-модда). Хуллас, бардам бўлинг, синглим, қонунларимиз Сизнинг ва болангизнинг манфаатини муҳофаза қилиш учун барча имкониятни яратган. Энг муҳими эса ота, она, қариндош-уруғлар орасидаги инсоф, оқибат.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 3 август «Ўзбекистон Республикаси баъзи қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан, аҳоли ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш фаолияти лицензиялаш турлари рўйхатидан чиқарилганлиги сабабли Адлия вазирлиги томонидан бу ҳақда берилган лицензиялар ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

KELGUSI SONDA:

«АТАМАН» ЛАҚАБЛИ ҚОТИЛ

ва унинг разил шериклари хусусида

ПАРВОЗ ВА ИНҚИРОЗ

Фирма вилоят хўжалик судининг қарори билан «банкрот» деб топилди. Сабаб...

Xatni o'qib...

АЁЛ АДОЛАТ СЎРАЙДИ. КИМДАН ДЕНГ?

Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

Ёшим 48 да, 5 та фарзанднинг онасиман. 30 йил иш стажим бор. Сурхондарё вилоят адлия бошқармасида 1975-95 йиллар мобайнида 20 йил ишладим. Фуқаролик ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш (собиқ ЗАГС) соҳасида фаолият кўрсатиб келдим. Орада касал бўлдим. Соғайиб келсам мени ишдан бўшатиб қўйишибди. Бу адолатсизлик, қонунсизлик устидан ёзавериб, даргоҳма-даргоҳ югуравериб, икки йил деганда ишим юз айланиб Республика Олий суди - Бухоро вилоят судида кўрилгандан сўнггина ҳал бўлди. Вазифамга тиклаш, мажбуран бекор юрган даврим учун тўлов ундириш ҳақида қарорни олдим. Аммо... фақат қарор, амалда аввалгидек нажот ахтариб юрибман.

Зубайда Раҳматуллаева,
Сурхондарё вилояти Термез шаҳри

Э, қизиқ бўлибди-ку, Зубайда она! Одамлар бошқа идораларда дарз кетган ҳуқуқларини тиклашни, ҳимоялашни сўраб адлия идораларига келишади, юзлаб инсонларнинг бузилган ҳуқуқи бу даргоҳ аралашувида тикланади, тикланаяпти, шундай бўлади ҳам. Аммо Сизнинг мисолингиз, қўлимиздаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Бухоро вилоят суди қарорлари шунчалик катта ишимизга «ямоқ» бўлибди-ку! Ҳайронмиз, қонун талабини уқтирайлик десак, уларга бу биздан-да кўпроқ аён. Бундай муносабат учун икки йил давомида қонунни «кўрмаганга олганлар»га Адлия вазирлиги «кўрга ҳасса тутқазмаса» бўлмас-ов! Келинг опа, тағин бироз кутайлик-чи?!

ТАҲРИРИЯТ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Сафар НАЗАРОВ, Парахат АЙТНИЁЗОВ, Бурхон БЕКМИРЗАЕВ, Шавкатжон МАВЛОНОВ, Неъмат АМИНОВ, Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб), Зайниддин ИСЛОМОВ, Ҳамза ЗОКИРОВ, Миршоҳид МИРҲАМИДОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0310. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А.ХЎЖАМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Ш. РЕЖАПОВ
терувчи: М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.